

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди, 2020 йил 4 ноябрь куни,  
ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи, судья Ж.Хожаев,

Судья ёрдамчиси Н.Хамраеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Тошниёзов, судланувчини ҳуқуқларин ҳимоя қилувчи “Adolat – Mudofasi” адвокатлик бюроси адвокати Х.Измублаев иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми 3.Назирбоевга нисбатан тўпланган жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Назирбоев Зойир Аманбаевич** (Nazirboyev Zoyir Amanbayevich) – 1976 йил 8 августда Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, ҳарбий хизматга мажбур эмас, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, оилали, 4-нафар фарзанди бор (20,16,14,6 ёш), хайдовчи, Бўстонлик тумани, Қоронкул МФЙ, Баҳор кўчаси, 8-уйда яшовчи, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 18 октябр куни олган, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И

Дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ҳужжатларга кўра, судланувчи 3.Назирбоев гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар туркумига кирувчи қасддан тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этганликда айбланган.

Жумладан, судланувчи 3.Назирбоев 2019 йил октябр ойи ўрталарида ўзига тегишли ДАМАС русумли давлат рақам белгиси 10 V 521 ВА бўлган автомашинасида Тошкент вилояти, Чиноз туманига пахта теримга борган вақтида, сой бўйида ўсиб турган бир неча туп яшил рангли, ўткир хидли ўсимликларни кўриб, ушбу ўсимликларни келгусида қонунга хилоф равишда экиш ва етиштириш мақсадида, уруғларидан олиб, 2020 йил май ойи бошларида ўзи истиқомат қилиб келаётган Бўстонлик тумани, Қоронкул МФЙ, Баҳор кўчаси 8-уйининг томорқасига уруғларни сочиб, ўсиб чиқган жами 3 (уч) туп “каннабис ўсимлиги” ни остига сув қуйиб, агрегат ишлов бериб, келгусида ўзининг истеъмоли учун парваришлаб келган.

2020 йил 10 сентябрь май куни Бўстонлик тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида З.Назирбоевнинг томорқаси кўздан кечирилган вақтда, жами 3 (уч) туп экилиб, парваришлаб келинаётган яшил рангли, ўткир ҳидли, ўсимликлар аниқланиб, ҳолислар иштирокида далилий ашё тарикасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2020 йил 18 сентябрдаги 809-сонли хулосасида, З.Назирбоевни хонадонининг томорқасидан олинган 3 (уч) туп хўл ҳолдаги ўсимлик туплари таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган “каннабис ўсимлиги” туплари эканлиги, мазкур ўсимлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарор билан тақиқланган гиёҳвандлик воситалари туркумига киритилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **З.Назирбоев** айбига тўлик иқрорлик билдириб, қуйидагича кўрсатма берди, яъни у 2015 йилнинг май ойларида ДАМАС русумли давлат рақам белгиси 10 V 521 ВА бўлган автомашинани сотиб олиб, ушбу машинани бошқариб, баъзи вақтларда ушбу машинада киракашлик қилиб оиламни тебратиб келишини, 2019 йил куз фаслида, тахминан октябрь ойи ўрталарида пахта йиғим теримига Ўртачирчик, Чиноз, Юқоричирқик туманларига хашар сифатида ишчиларни олиб бориб юрганида, Чиноз туманида катта ариқ бўйида ўсиб турган наша гиёҳвандлик ўсимликларни кўриб қолганлигини, ундан аввал наша ўсимлиги ҳақида эшитганлигини, телевизор кўрганида ҳам ҳуқуқ тарғибот кўрсатувларида наша гиёҳвандлик воситаларни кўрганлигини, уни кўринишини шу вақтда билиб олганлигини, шунда у ушбу наша ўсимлигини қизиқиб, уруғидан олиб, ўз уйига олиб кетганлигини, сабаби келгусида экиб етиштириб, чекиб кўриш мақсади бўлганлигини, уйига уруғларни олиб келиб, ҳеч кимга кўрсатмай, молхонага олиб кириб, қоғозга солиб, том қисмига, яъни шифер ва тўсин орасида яшириб қўйганлигини маълум қилди.

2020 йил май ойини бошларида молхона шифер ва тўсин орасига яшириб қўйган “наша” гиёҳвандлик моддаси уруғларини экиб етиштириш мақсадида, уйини молхонаси қаршисига, молларни тезаги йиғиладиган ойга ушбу уруғларни сепганлигини, уруғларни ўсиб, униб чиқиши учун ҳар 2-3 кунда сув қуйиб, тагларини юмшатиб парваришлаб турганлигини, орадан икки хафталар ўтгандан сўнг у сепган ва парвариш қилиниб келинаётган уруғлардан жами 3 (уч) туп “наша” гиёҳвандлик моддаси ўсимликлари ўсиб чиқганлигини, ушбу ўсимликларни ўстиришда давом этиб, ҳар 4-5 кунда тагига сув қўйиб, мол тезаги яқин бўлганлиги учун молни қуриган тезаклаирни майдалаб тагига сепаб парваришлашда давом этганлигини, уч туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги ўсишда давом этганлигини, орадан вақт ўтиб, қаттиқ шамол бўлганлиги сабабли улардан икки тупини юқори шохлари синиб кетганлигини, уларни юлиб олиб, уйнинг ахлатлари йиғиладиган жойга олиб бориб, ахлатлар билан қўшиб ёқиб юборганлигини маълум қилди.

2020 йил 10 сентябрь куни соат тахминан 15<sup>00</sup> ларда уйида ухлаб ётганида дарвозахона олдида кимдир уни чақираётганини эшитганлигини, уйкудан туриб, дарвозахона олдида бориб ташқарига чиқганида ташқарида

унга нотаниш бўлган ҳужжатларни кўрсатишиб, ўзларини туман ИИБ ходимлари деб таништириб, тезкор тадбир ўтказилаётганини маълум қилиб, уйини ҳовлисини ҳолислар иштирокида кўздан кечиришни айтишганлигини, улардаги ҳужжат билан танишиб чиқиб, уларни уйи ҳовлисига киритиш ва кўздан кечиришига розилик берганлигини, сўнг улар икки нафар бириси уни кўшниси Мирюсупов Машхур иккинчиси унга нотаниш бўлган ҳолис сифатида иштирок этаётган шахслар билан киришганлигини, ИИБ ходимлари ҳолисларга қандай ҳаракат ўтказилишлигини тушунтиришиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб ўтишганлигини, сўнг ИИБ ходимлари ҳолислар ва уни иштирокида уйи ҳовлисини кўздан кечирганида уйини ҳовлисидаги май ойида экилган ва парваришлаб келинаётган уч туп “наша” гиёҳвандлик воситаси ўсимлигини топишганлигини, ундан ушбу ўсимликлар нима эканлигини ва ким томонидан экилганлигини сўрашганида, уларга ушбу ўсимликлар “наша” гиёҳвандлик моддаси ўсимликлари эканлигини, ушбу ўсимликларни ўзини келгусида истеъмоли учун экиб парваришлаб келаётганини маълум қилганлигини, сўнг ИИБ ходимлари уйи ҳовлисида аниқланган, экилган 3 (уч) туп “наша” гиёҳвандлик моддаси ўсимлигини фотосуратларга олиб, баённома асосида олиб қўйишганлигини айтиб, ҳозирда қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **Н.Шарапов** қуйидагича кўрсатма берди, у 2020 йил 10 сентябрь куни соат тахминан 14<sup>20</sup> ларда ўз ишлари билан Бўстонлик тумани Ғазалкент шаҳарига келиб, туман ИИБ биноси олдидан ўтиб кетаётганида, унга нотаниш бўлган ҳужжатини кўрсатиб, ўзини туман ИИБ ходми деб таништирган йигит тадбир ўтказилаётганини, ушбу тадбирда ҳолис сифатида иштирок этиб беришини илтимос қилганлигини, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганлиги ва ҳолис сифатида қатнашиш уни фуқаролик бурчи деб билганлиги учун ушбу ҳаракатда ҳолис сифатида қатнашишга рози бўлганлигини, ИИБ ходимлари билан биргаликда Бўстонлик тумани, Қоронкул маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Баҳор кўчаси 8-уй олдида борганликларини, шунда ИИБ ходимлари унга мазкур уйда тадбир ўтказилишини айтганлигини, ушбу уйга киришдан аввал иккинчи ҳолис сифатида Бўстонлик тумани, Қоронкул МФЙда яшовчи унга нотаниш бўлган кейинчалик исми шарифи унга маълум бўлган Мирюсупов Машхур Миртолиповични ҳам таклиф қилишганлигини, сўнг у ва ундан ташқари иккинчи ҳолисга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирилиб, қандай ҳаракат ўтказилишини ва ушбу ҳаракатда улар қандай вазифани бажаришлиги ҳақида тушунтириб ўтишганлигини, улар рози бўлганидан сўнг, ИИБ ходимлари фуқаро Назирбоев Зойир Аманбаевичнинг Бўстонлик тумани, Қоронкул МФЙ Баҳор кўчаси 8-уй эшигини тақиллатганлигини, шунда уйдан ўзини З.Назирбоев деб таништирган шахс чиқиб келганлигини, туман ИИБ ходимлари ушбу шахсга тадбир ўтказилаётганлигини айтиб, уйини кўздан кечириш лозимлигини айтиб, хонадон эгасига ҳужжат кўрсатишиб, ҳужжат

билан таништиришиб, хонадонда қонун билан тақиқланган нарса ва буюмлари бўлса ихтиёрий равишда топширишини сўрашганликларини, З.Назирбоев ҳеч қандай тақиқланган нарса ва буюмлари йўқлигини маълум қилганидан сўнг ИИБ ходимлари уларни ҳолислигида хонадонга кириб, кўздан кечириш харакатини бошлашганлигини, кўздан кечириш харакати давомида уйнинг томорқасидан, яъни уй ҳовлисига кирилганда тўғрига юрилиб, чапга бир оз юрилганда молхона қаршисида 3 (уч) туп яшил рангли, ўткир хидли ўсимликларни ўсиб турганини кўрганликларини, ИИБ ходимлари З.Назирбоевдан ушбу ўсимликларни қандай ўсимлик эканлигини ва ким томонидан экиб парваришланиб келинаётганлиги ҳақида сўрашганида, у ушбу ўсимликлар “наша” гиёҳвандлик ўсимликлари эканлигини, ушбу ўсимликларни ўзини истеъмоли учун экиб парваришлаб келганлигини маълум қилганлигини, ИИБ ходимлари ушбу ўсимликларни фото суратга олишиб, баённома асосида уларнинг ҳолислигида ашёвий далил сифатида олишиб, иккита қопага солишиб, муҳрлашганлигини, у кўрганлари бўйича тушунтириш хати ёзиб берганлигини, ИИБ ходимлари барча ҳужжатларни расмийлаштириб бўлгач уларга рухсат беришганлигини, ҳолис сифатида қатнашган кўздан кечириш харакатида ИИБ ходимлари томонидан ҳеч қандай ноқонуний ҳатти-харакатлар содир этилмаганлигини маълум қилди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **У.Назирбоева** ва **А.Омонбоев** гувоҳ Н.Шараповнинг кўрсатмаларига ўхшаш анологик кўрсатма беришди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, судланувчи З.Назирбоевни айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмаларидан ташқари, қуйидаги тўпланган ҳужжатлар билан, хусусан:

-судланувчи З.Назирбоевдан далилий ашё тариқасида олинган “каннабис” гиёҳвандлик воситаси билан (и.в. 6-13);

-судга оид кимёвий экспертиза хулосаси билан, унга кўра судланувчи З.Назирбоевни хонадонидан олинган жами 3 туп хўл ҳолдаги ўсимлик туплари таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган “Каннабис ўсимлиги” туплари эканлиги кўрсатиб ўтилган (и.в. 18-19);

-судланувчи З.Назирбоев ҳамда гувоҳ Н.Шарапов, М.Мирюсуповлар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси билан, унга кўра улар бир-бирларини кўрсатмаларини тўлиқ тасдиқлаган (и.в.48-55);

-судга оид наркологик экспертизаси хулосаси билан, унга кўра З.Назирбоев гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишга ружу қўймаганлиги ва у тиббий даволанишга мухтож эмаслиги белгилаб ўтилган (и.в.72) ҳамда жиноят иши ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи З.Назирбоев томонидан содир этилган жиноятнинг юридик малакасини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан таъқиқланган экинлар, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибид гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган

экинларни қонунга хилоф равишда экиб, етиштиришликда ифодаланган жиноий хатти-харакатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри малакалаган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-бандида “*Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига тўртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ–атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)*” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи З.Назирбоевга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлигини, тўрт нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини унинг айбини енгиллаштирувчи ҳолати қилиб, шунингдек айбини оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳам инobatга олиб унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб санкцияда белгилангандан ҳам камроқ жарима жазоси белгилашни лозим топади.

Шунингдек суд, далилий ашё тарикасида олинган 3 туп “канабис” гиёҳвандлик ўсимлигини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

## Х У К М Қ И Л Д И

Судланувчи **Назирбоев Зойир Аманбаевич** (Nazirboyev Zoyir Amanbayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблашнинг 20 (йигирма) баравари миқдоридан, яъни 4.460.000 (тўрт миллион тўрт юз олти миш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

3.Назирбоевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаровга қўйилган бир дона “LG” русумли кир ювиш машинаси ҳамда бир дона “Artel” русумли музлатгичнинг хужжатлари судланувчи 3.Назирбоевга ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг қайтариб берилсин.

Далилий ашё тариқасида олинган ва ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ДХХ махсус омборида № 0018430-сонли квитанция асосида сақланаётган 3 туп “канабис” гиёҳвандлик ўсимлиги тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг 10 сутка муддат ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судига апелляция шикояти ёки апелляция протести, 10 кунлик муддат ўтганидан сўнг эса шу тартибда кассация шикояти ёки кассация протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи:**

**Ж.Ҳожаев**